

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

2
0
2
4

**“YASHIL” IQTISODIYOTGA O‘TISHDA INNOVATSIYALARNI
KENG JORIY QILISH VA BARQAROR IQTISODIYOTNI
INSTITUTSIONAL TARAQQIY ETTIRISH DOLZARBLIGI**

**INSTITUTIONAL DEVELOPMENT OF A SUSTAINABLE
ECONOMY AND WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS
DURING THE TRANSITION TO A GREEN ECONOMY**

**ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ УСТОЙЧИВОЙ
ЭКОНОМИКИ И ШИРОКОЕ ВНЕДРЕНИЕ ИННОВАЦИЙ ПРИ
ПЕРЕХОДЕ К “ЗЕЛЕННОЙ” ЭКОНОМИКЕ**

Onlayin xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

2024-yil 20-may



MAXSUS SON



74-91 xalqaro daraja
ISSN: 2992-8982



Google
Scholar

doi



Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Bosh muharrir:

Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich

Bosh muharrir o'rinbosari:

Karimov Norboy G'aniyevich

Muharrir:

Qurbonov Sherzod Ismatillayevich

Tahrir hay'ati:

Salimov Oqil Umrzoqovich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Abduraxmanov Kalandar Xodjayevich, O'zbekiston fanlar akademiyasi akademigi
Rae Kvon Chung, Janubiy Korea, TDIU faxriy professori, "Nobel" mukofoti laureati
Osman Mesten, Turkiya parlamenti a'zosi, Turkiya – O'zbekiston do'stlik jamiyati rahbari
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri
Buzrukxonov Sarvarxon Munavvarxonovich, i.f.d., O'zR Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri o'rinbosari
Axmedov Durbek Kudratillayevich, i.f.d., prof., O'zR Oliy Majlisi qonunchilik palatasi deputati
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof., TDIU YoMMIB birinchi prorektori
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof., TDIU Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori
Kalonov Muxiddin Baxritdinovich, i.f.d., prof., "O'IRIAM" ilmiy tadqiqot markazi direktori – prorektor
Yuldashev Mutallib Ibragimovich, i.f.d., TMI professori
Samadov Asqarjon Nishonovich, i.f.n., TDIU professori
Slizovskiy Dimitriy Yegorovich, t.f.d., Rossiya xalqlar do'stligi universiteti professori
Mustafakulov Sherzod Igamberdiyevich, i.f.d., prof., Xalqaro "Nordik" universiteti rektori
Aliyev Bekdavlat Aliyevich, f.f.d., TDIU professori
Axmedov Ikrom Akramovich, i.f.d. TDIU professori
Po'latov Baxtiyor Alimovich, t.f.d., profesor
Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich, i.f.d., TDIU professori
Isakov Janabay Yakubbayevich, i.f.d., TDIU professori
Musyeva Shoirazimovna, SamDu IS instituti professori
Axmedov Javohir Jamolovich, i.f.f.d., "El-yurt umidi" jamg'armasi ijrochi direktori o'rinbosari
Toxirov Jaloliddin Ochil o'g'li, t.f.f.d., TAQU katta o'qituvchisi
Xalikov Suyun Ravshanovich, i. f. n., TDAU dotsenti
Kamilova Iroda Xusniddinovna, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi, i.f.f.d., TDIU dotsenti
Rustamov Ilhomiddin, f.f.n., Farg'ona davlat universiteti dotsenti
Fayziyev Oybek Raximovich, i.f.f.d. (PhD), Alfraganus universiteti dotsenti
Sevil Piriyeva Karaman, PhD, Turkiya Anqara universiteti doktoranti
Mirzaliyev Sanjar Maxamatjon o'g'li, TDIU mustaqil tadqiqotchisi
Utayev Uktam Choriyevich, O'zR Bosh prokuraturasi boshqarma boshlig'i o'rinbosari
Ochilov Farxod, O'zR Bosh prokuraturasi iqtisodiy jinoyatlarga qarshi kurashish departamenti bo'limi boshlig'i
Yaxshiboyeva Laylo Abdisattorovna, TDIU katta o'qituvchisi

Ekspertlar kengashi:

Berkinov Bazarbay, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Hakimov Ziyodulla Ahmadovich, i.f.d, TDIU dotsenti
Tuxtabayev Jamshid Sharafetdinovich, i.f.f.d, TDIU dotsenti
Xamidova Faridaxon Abdulkarim qizi, i.f.d., TMI dotsenti
Babayeva Zuhra Yuldashevna, TDIU mustaqil tadqiqotchisi

Muassis: "Ma'rifat-print-media" MChJ

Hamkorlarimiz: Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O'zR Tabiat resurslari vazirligi, O'zR Bosh prokuraturasi huzuridagi IJQK departamenti.



II shu'ba

“YASHIL” IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY ETISHDA ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI

Section II

DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY

II секция

ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО- ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В “ЗЕЛЕНУЮ” ЭКОНОМИКУ

PROGRESS
PECC





ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕХАНИЗМЛАРИ

ORCID: 0000-0001-9670-7673

Ҳакимов Назар ҲакимовичФалсафа фанлари доктори, Тошкент амалий фанлар университети,
“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори**Рахмонов Дўстмурод Абдиназарович**Фалсафа фанлари доктори (Phd), Тошкент амалий фанлар
университети, “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудир

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси янги тараққиёти босқичида инсон манфаатлари, ҳар бир шахснинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, фаровон турмуш кечириши ўтказилаётган демократик ислохотларнинг бош мақсади эканлиги ва ушбу муаммонинг инсон экологиясига бевосита боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шу муносабат билан жамиятда инсон экологияси тарғиботида алоҳида эътибор берилаётганлиги, унинг таълим ва тарбия жараёнига боғлиқлиги ўрганилган. Фуқоралик жамияти шароитида табиат, инсон ва жамият орасидаги ўзаро муносабатларни илмий, ижтимоий фалсафий жиҳатларининг фундаментал ва ижтимоий фанлар вакиллари томонидан тадқиқ қилиниши долзарб, назарий ва амалий аҳамият касб этадиган масалардан бири эканлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: Инсон, экология, табиат, сув, ер, ресурс, соғлиқ, иқтисодий, атроф муҳит.

Abstract: The article examines current issues and innovative mechanisms for solving problems of social problems and its close connection with human ecology in the conditions of the new Uzbekistan. The author of the article reveals the content, features and practices of the problem of human ecology, closely linking it with the results of educational work in society. In the conditions of the formation of civil society, the process of maintaining ecological balance is directly related to the goal of democratic reforms, the implementation of a close relationship between nature, man and society. Taking into account the above, the protection of human ecology requires systematic research by social scientists.

Key words: Man, ecology, nature, water, land, resource, health, economy, environment.

Аннотация: В статье рассматриваются актуальные вопросы и инновационные механизмы решения задач социальных проблем и ее тесная связь с экологией человека в условиях нового Узбекистана. Автор статьи раскрывают содержание, особенности и практики проблемы экологии человека, тесно связав ее с результатами просветительской работы в обществе. В условиях формирования гражданского общества, процесс соблюдения экологического равновесия непосредственно связана с целью демократических реформ, осуществление тесного взаимоотношения природа, человек и общества. С учетом вышеизложенного защита экологии человека требует системного исследования учеными обществоведами.

Ключевые слова: Человек, экология, природа, вода, земля, ресурс, здоровье, экономика, окружающая среда.

КИРИШ

Инсон экологияси масаласининг долзарблиги жаҳонда кечаётган ижтимоий ва иқтисодий, муайян ҳолатларда сиёсий жараёнларнинг экологик вазият, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, инсон манфаатларининг, унинг соғлиғи, яшаш шароитининг такомиллашуви зарурияти, узоқ умр кечириши, меҳнат шароити, ҳўжалигининг бутлиги, санитария талабларига жавоб бериши, озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари билан узвий боғлиқдир. Муаммонинг умумпланетар аҳамияти ва долзарблиги Ер юзининг турли бурчакларида вужудга келаётган экологик инқирозлар ва ҳалокатлар, табиий характерга эга бўлган катаклизмларнинг инсон фаолиятига боғлиқлиги ва таъсирида намоён бўлмоқда. Муаммонинг долзарблиги Марказий Осиё мамлакатларида ҳам сезилмоқда. Ушбу ҳудудда ер ва сув ресурсларидан самарали, рационал фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлослантормаслик тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан Амударё сувидан фойдаланишдаги янги истеъмолчи қўшни Афғонистоннинг



Қўштепа каналининг фойдаланишга топширилганлиги сув ресурсларида рационал фойдаланишни заруриятини вужудга келтирди. Қозоғистон Республикасида сув танқислигининг ортиб бораётганлиги, янги сув омборининг барпо этилаётганлиги трансчегаравий сувдан фойдаланишга эътиборни кучайтирди. Шунингдек, юқори бонитетга эга бўлган ер ресурсларининг камайиши ҳолатлари, чўлланишга дахлдор бўлган ҳудудларнинг кенгайиб бораётганлиги, флора ва фауна вакиллари асраб-авайлаш, келажак авлодга етказиш зарурияти, экологик муаммолар ечимида ҳар бир инсоннинг маъсуллигини оширишни тақозо қилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида глобал, минтақавий, регионал, локал даражадаги экологик хатарларни учратиш мумкин. Бундай вазият инсон экологияси муаммоси тадқиққининг долзарблиги, унинг бевосита демократик ислохотларга боғлиқлигини, шунингдек, алоҳида қўриқланадиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш заруриятини ҳам вужудга келтирмоқда. Марказий Осиёда энг катта масштабдаги экологик бўҳрон марказиларидан бири Орол денгизидир. Инсон экологиясининг долзарблиги ҳар бир шахсда табиий ресурслардан фойдаланиш маданиятини, урбанизация шароитида сувдан, ердан, фойдаланишда тежамкорлик сифатларини, ҳавони ифлослантирмаслик тушунчасини ҳар бир ватандошимимиз онгида ёшлик давридан шакллантиришнинг ижтимоий механизмларини янада такомиллаштириш заруриятини вужудга келтирди. Муаммонинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари, бевосита жамиятнинг янги ривожланиш босқичида ҳар бир инсон фаолияти учун шаффоф, хавфсиз экологик муҳит яратиш лозимлиги билан боғлиқдир. Бундай вазият унинг ҳуқуқий, институционал асосларини вужудга келтириш, мунтазам такомиллаштириш билан биргаликда, олий таълим тизимида тайёрланаётган кадрлар сифатини ошириш, шахс экологик маданиятини шакллантириш ва юксалтириш жараёнига эътиборни кучайтириш, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни тобора кенгайтириш вазифасини ҳам илгари суради.

Шу билан бирга, экологик хавфсизлик инсоннинг демократик ислохотлардаги фаоллигини оширади, мамлакатимизда янги тараққиёт босқичида амалга оширилаётган яратувчанлик, илгарилаш, рақамлаштириш, ижтимоий, иқтисодий жараёнлар жадаллашувида фаол иштирок этишга, инновацион ғояларни илгари суришга ундайди. Муаммонинг амалий жиҳатларидан яна бири, инсон маънавий, ахлоқий камолотини, меҳнатсеварлигини таъминлайдиган омиллар қаторига киради. Инсон экологиясининг таъминланиши ҳар бир шахснинг она заминга, юртга муҳаббатини оширади, унинг ҳар бир қарич ерини қадрлайди, табиий ресурслардан самарали фойдаланишнинг ижтимоий имкониятларини яратади. Янги тараққиёт босқичида, инсон экологиясига илмий, фалсафий ёндошувнинг кучайиши амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги учун инсон фаолияти такомили механизмнинг муҳим қисми ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Инсон экологияси мустақил фан сифатида шаклланишида экология мавзuida тадқиқотлар ва уларнинг амалиётга жорий этилиши муҳим аҳамият касб этган. Тирик организмларнинг, шу жумладан, инсон экологияси ҳақидаги илмий хулосалар ва қарашларнинг умумлаштирилиши натижасида инновацион назариялар вужудга келган. Жумладан, эколог олим А.Ф. Миддендорф¹ ҳайвонларнинг климатик шароитларда яшаши тўғрисидаги ғояларни илгари суради. Эрнст Геккель Европа мамлакатларида капитализмнинг тараққиёти даврида экологиянинг амалий аҳамияти тўғрисида ва унинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилган². К. Мебиус –биоценоз тўғрисидаги ёндошувни фанга олиб кирган³. Таъкидлаш лозимки ўсимликлар экологияси тўғрисидаги тушунчалар илмий фаразлар, ўсимликлар физиологияси ва фитогеография атрофида шаклланган. Ҳозирги даврда экологиянинг ривожланиш босқичида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, кўп жиҳатдан биосферанинг ҳозирги ҳолатига бағишланган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг соҳа институтлари ёш тадқиқотчилари, университетларда фаолият кўрсатаётган докторантлар, ёш педагоглар, докторантларнинг илмий тадқиқотларининг маълум қисмида экологик муаммоларнинг ечими изланмоқда. Ёш илмий тадқиқотчиларга халқаро, республикамиз даражасидаги илмий амалий конференцияларда иштирок этиш, экологияга бағишланган илмий мақолалар тўпламларида чоп этишга амалий ёрдам қилмоқда. Энг муҳим натижалардан бири ёш олимларнинг мустақил тадқиқотлари натижасида қўлга киритган илмий хулосалари, мустақил илмий ишлари туфайли қўлга киритган натижалари асосидаги таклифларининг экологик тизимда амалиётга киритилишига ҳам

1 Миддендорф А. Ф. Путешествие на Север и Восток Сибири. Ч. 2. Север и Восток Сибири в естественно-историческом отношении/ Репринтное воспроизведение изданий 1869 и 1878 годов. Отдел V. Сибирская фауна. Отдел VI. Коренные жители Сибири. - СПб.: ООО Изд-во ГеоГраф, 2006. –850 с., ил.

2 Геккель, Эрнст. Красота форм в природе. - СПб.: Издательство Вернера Регена, 2007. –С. 144. –ISBN 5-903070-08-6. Геккель, Эрнст. Мировые загадки. Общедоступные очерки монистической философии. – М.: Либроком, 2012. – С. 256. –ISBN 978-5-397-02200-2.

3 Мебиус Карл Август // Большая советская энциклопедия:[в 30 т.] / под ред. А. М. Прохоров 3-е изд. - М.: Советская энциклопедия, 1969.



ёрдам бермоқда. Мавзу тадқиқи давомида Ҳакимов Н.Ҳ. Зулфикоров Ш.Х. Қодиров Н.Н. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида экологик муаммоларнинг вужудга келиши сабабларини, Ҳакимов Н.Ҳ. инсон экологиясининг моҳияти ва унинг ислохотлар кўлами билан боғлиқлигини ўрганган⁴. Алихонов Б. Жакбаров С. Биохилмаҳилликни сақлаш - барқарор ривожланиш омили эканлигини⁵, тадқиқотчи Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўқув юрти мисолида) тадқиқ қилган⁶. Маликова А.Р. Педагогика олий ўқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш масалаларини⁷, Мамашакиров С. Экологиянинг амалий жиҳатларини⁸, Нишонава Н.Ў. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг экологик маданиятини ривожлантириш жиҳатларини таҳлил қилган⁹. Мухитдинова Ҳ.Ғ. учинчи ренессанс пойдеворини шакллантиришда экологик омилларнинг ўрнини ўрганган¹⁰.

ТАДҚИҚОТНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Мақолани нашрга тайёрлашда, илмий манбалардан фойдаланишда, материалларни туркимлаштиришда ва мустақил хулосаларни умумлаштириш жараёнида фалсафий тадқиқотнинг тарихийлик, танқидийлик, анализ, синтез методларидан фойдаланилди. Мақоланинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёев асарлари, Фармонлари, давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида баён қилинган концептуал ғоялар ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг экологияга оид қарорлари ҳам муҳим методологик манба ҳисобланади. Шунингдек, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда инсон экологиясининг аҳамияти, янги тараққиёт босқичида ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга мансуб экологик жараёнларни тадқиқ қилган эколог олимлар асарларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек инсон экологиясига оид хорижий файласуф олимларнинг қарашлари, фикрларини таҳлил қилиш, экологик жараёнлар моҳиятига бағишланган монографик тадқиқотлар муҳим манба ролини бажарди.

АСОСИЙ ҚИСМ ВА ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР

Жамиятда инсон экологиясини юксалтириш зарурияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам таъкидланган. Мамлакатимиз асосий қомусининг 62 моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” деб белгилаб қўйилган¹¹. Ижтимоий экологик фанлар уч тармоқга бўлинади. Биринчиси, инсон экологияси. Иккинчиси, глобал экология. Учинчиси, ижтимоий экология. Инсон экологияси фани инсоннинг табиат билан муносабатларини, ижтимоий ва технологик соҳалар билан ўзаро алоқаларини ўрганади. Глобал экология фани биосферанинг коинот ва техноген жараёнлар, шунингдек, планета тубида, атрофида бўлаётган ўзгаришларни тадқиқ қилади. Ижтимоий экология фани жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқалари, муносабатларини ташкил қилади. Бу фанларни уларнинг мақсадларига қараб фарқлаш мумкин. Инсон экологияси шахснинг саломатлиги, муқим яшаш жойидаги шароитда фаолият олиб бориши, шакллантирилган инфраструктура, ундан самарали фойдаланиш механизмлари мазмуни- моҳияти, экологик муҳитнинг инсонга таъсир қилиш жараёнларини ўрганади. Глобал экология фанининг мақсади биосферанинг параметларини асраш учун зарур бўлган шароитни сақлаш, содир бўлаётган, кечаётган экологик жараёнларга объектив баҳо бериш, илмий асосланган тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Ижтимоий экология фанининг асосий мақсадини жамият тараққиётига табиий шароитнинг таъсирини оптималлаштириш, ушбу жараённи шакллантирган сабабларни аниқлаш, инсоннинг муайян шароитдаги фаолияти учун зарур бўлган тавсиялар ишлаб чиқиш ташкил қилади. Ушбу фанлар орасидаги ўхшашлик, ажратиш, фарқлаш мураккаблиги шундан иборатки, яъни уларнинг тадқиқот объектининг

4 Ҳакимов Н.Ҳ. Зулфикоров Ш.Х. Қодиров Н.Н. Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида. Тошкент, Иқтисодиёт, 2022. –Бет. 365. Ҳакимов Н.Ҳ. Инсон экологияси. –Тошкент, Иқтисодиёт, 2021. –Бет. 345.

5 Хуррият, 23 май 2012. йил. <http://parliament.gov.uz/upload/iblock/fad/joijtgejkabldbsionxbpjwipslnutde%20hmxnrhyrjuk-bcyoaaejwmtmee.pdf>

6 Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўқув юрти мисолида) тадқиқ қилган. Пед. фан. ном... дисс. – Т. 2006. –9 б.

7 Маликова А.Р. Педагогика олий ўқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш: Пед.фан.номз ... дисс. – Т.: 2010. –8 б.

8 Мамашакиров С.Ваҳимами ёки ҳақиқат. Тошкент, —Иқтисод-молия, 2012.Б.8.

9 Нишонава Н.Ў. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг экологик маданиятини ривожлантириш жиҳатларини таҳлил қилган (адабий таълим мисолида): Пед. фанл. номз. ... дисс. – Т.: 2001. –4 б.

10 Мухиддинова Х. Ғ.Экологик таълим-тарбиянинг ижтимоий зарурати // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал. –2023,№6/3 (102)-сон. –254.-256 бет. Мухиддинова Ҳакима Ғ, Учинчи ренессанс пойдевори шаклланишининг экологик жиҳатлари “Ilmiy axborotnoma”, 2021-yil, 6 – son. –169 бет.

11 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 62 модда. <https://lex.uz/docs/6445145>



бир-бирига яқинлигидир. Жумладан, инсон экологияси ва ижтимоий экологиянинг объектини – инсон муаммоси ташкил қилади. Глобал ва ижтимоий экология фанларининг объекти ҳам бир бирига яқиндир, улар муайян даражада инсон ҳаётига таъсир қиладиган жараёнларни биргаликда ўрганади. Жамият, биринчи навбатда, бисфера билан муносабатда бўлади ва биосферада содир бўладиган турли ўзгаришлар жамиятда ўз ифодасини топади, турли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга олиб келади. Шунинг учун глобал экология фани бисферадаги ўзгаришларни ўргангани учун, айниқса, биосферага антропоген омилларнинг таъсирини тадқиқ қилади ва шу билан ижтимоий экологияга алоқадордир. Таъкидлаш лозимки, глобал экология биосфера ва жамият орасидаги муносабатларни биосфера нуқтаи назаридан ўрганади, ижтимоий экология эса ушбу жараённи жамият нуқтаи назаридан тахлил қилади. Фикримизча экологик фанлар классификацияси тадқиқотчилар томонидан давом эттирилади. Юқоридагиларга асосланиб қайд қилиш лозимки, инсон экологияси табиий, ижтимоий ва технологик жараёнларни тадқиқ қилиш билан биргаликда, кучайиб бораётган антропоген омиллар, инсон фаолиятининг жадаллашуви масалаларини объектив тадқиқ қилиш лозим. Шунинг учун ҳам инсон экологияси ижтимоий фанлар таркибига киради, шу билан бирга, табиий фанларга яқин бўлган муаммоларни ўрганади. Инсон экологияси жамиятнинг рақамлашиш жараёнига яқин бўлган фан сифатида атроф-муҳитнинг сифатини бошқаришга ҳам алоқадордир. Инсон экологияси атроф-муҳит билан инсон орасидаги муносабатларни у ёки бу усуллари ўрганиш билан чегараланмасдан, табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилишнинг эффектив механизмларини яратишга ҳам ёрдам беради. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки – Табиат тушунчаси кенг ва тор мазмунда ишлатилади. Табиат сўзи, объектив реалликни ифодалайди ва жамиятни асосий элемент сифатида бирлаштиради, тор мазмунда эса жамиятни планетанинг қоплаб турувчи қобиқ сифатида қабул қилиниб, табиат ва жамият орасидаги муносабатларни ифодалайди. Табиий муҳит жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Табиий муҳит инсоннинг ижтимоий талабларини қондиради, яъни ишлаб чиқариш физиологик, коммуникатив, эстетик ва бошқа жараёнларни ўз ичига олади. Табиий муҳит жамиятда жамият ҳаётининг такрорланишида, кенгайишида асосий ролни бажаради. Жамият ҳаётининг муҳим қисми сифатида ижтимоий тараққиётнинг моддий асосини ташкил қилади. Табиий муҳит ижтимоий-иқтисодий тизимлар ривож учун энергия ва материаллар манбаидир. Жамият табиат томонидан яратилган энергия ва материалларни истъомол қилади ва улардан фойдаланади, шу билан бирга, унинг бир қисми бўлиб қолади. Жамият ҳаёти доимий суръатда табиий шароитда кечади ва инсон фаолиятида намоён бўлади, ҳамда инсоннинг биологик мавжудод эканлигини тасдиқлайди. Инсон антропоген фаолиятининг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида инсон экологияси пайдо бўлади. Инсон экологиясининг янги фан сифатида шаклланиши локал характерга эга бўлган жараён эмас, балки жуда кўплаб фанларга доир муаммоларга дахлдордир. Ҳозирги шароитда тараққиётнинг янги босқичида илмий билимларда экологиялашувга ёндашиш кузатилмоқда. Бу жараённинг ўзига хос хусусияти табиий ҳолатни ўрганиш билан бирга, унинг инсон фаолиятига боғлиқ жиҳатларига ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, давом этаётган глобал иқлим ўзгариши Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор ривожланиши учун жиддий хавф туғдиради, чунки улар бу борада жуда заиф. Агар асрнинг охиригача дунёдаги ўртача ҳарорат 4 даражага кўтарилиши кутилаётган бўлса, Марказий Осиёда ҳарорат кўтарилиши 7 даражагача бўлиши мумкин. Барқарор тараққиётнинг узоқ муддатли даъвати ва иқлим ўзгаришининг мумкин бўлган оқибатларини минтақа мамлакатлари яхши тан олади. Ўзбекистонда 2030 йилга қадар қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 25 фоизгача ошириш режалаштирилган. Тахминан 10 ГВт қайта тикланадиган энергия манбалари, шу жумладан 5 ГВт қуёш, 3 ГВт шамол ва 1,9 ГВт гидроэлектростанцияларда қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Минтақани иқлим ўзгаришига мослаштиришнинг асосий воситалари - иқтисодиётни босқичма-босқич карбонсизлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбалари улушини кўпайтириш ҳисобланади. Марказий Осиё минтақасида ривожланишнинг барқарорлиги учун жиддий муаммо сув ресурсларининг етишмаслиги ҳисобланади. Экологлар тадқиқотлари натижаларига кўра 2050 йилга бориб Сирдарё ҳавзасида сув ресурслари 5 фоизгача, Амударё ҳавзасида 15 фоизгача камайиши кутилмоқда. 2050 йилга бориб Марказий Осиёда тоза сув танқислиги ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоизга пасайишига олиб келиши мумкин¹². Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, Марказий Осиё сув ресурсларидан фойдаланишни мувофиқлаштириш соҳасидаги бир-бирига зид қарорлар туфайли ҳар йили камида 1,75 миллиард доллар йўқотилмоқда. Шу сабаб охириги пайтларда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан ҳамкорликни оширишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Тожикистон билан биргаликда Зарафшон дарёсида қуввати 320 МВт бўлган 2 та ГЭС қуришни режалаштирмоқда.

12 kun.uz/news/2021/09/01/2050-yilga-borib-sirdaryo-havzasida-suv-resurslari-5-foizgacha-amudaryo-havzasida-15-foizgacha-kamayishi-mumkin-obid-hakimov



ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тарихий жараёнларда шаклланган тармоқ фанларидан фарқли ўлароқ, инсон экологияси фанларо билимларга асосланади ва инсон фаолиятининг жамият ва табиат орасидаги муносабатларининг уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, инсон экологияси табиат объектлари ва ижтимоий тизимлар орасидаги муносабатларни мустақил ҳолда ўрганади. Ҳозирги даврда муаммоли мақсадга йўналтирилган инсон фаолиятини ўрганиш, тадқиқ қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам шаклланаётган ва олиб борилаётган экологик мавзудаги илмий тадқиқотлар фақат ижтимоий-табиий билимларга асосланмаслиги лозим. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш жараёни, биринчи навбатда, ижтимоий жараёндир. Янги тараққиёт босқичида бу аксиомани барча фанлар вакиллари тушунади. Шунинг учун ҳам экологик тадқиқотлар нафақат экотизимлар модели, шу билан биргаликда, инсон фаолиятининг табиий жараёнларига аралашуви ва унинг натижаларига илмий асосланган, объектив баҳо бериши лозим. Натижада бундай тадқиқот табиий жараёнлардан рационал фойдаланишга мўлжалланган кўп вариантлик дастур сифатида шаклланади, табиат қонунлари ва инсон имкониятларини чуқур билишга ёрдам беради. Бундай дастурнинг амалиётга татбиқ қилиниши натижада, биринчидан, инсон ва табиат муносабатлари тизими ҳолатини баҳолаш, иккинчидан, ушбу ҳаракатлар стратегияси келажагини белгилашга ёрдам беради. Шундай қилиб, инсон экологияси фақат табиий тизим, инсон антропоген фаолияти ва ушбу жараённинг салбий оқибатларини тадқиқ қиладиган фан бўлмасдан, мамлакатимизнинг интенсив ижтимоий, иқтисодий ривожланиш шароитида атроф-муҳитни асраш, табиий ресурсларни асраш ва ривожлантириш бўйича инсон фаолиятини ҳам ўрганадиган фандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 62 модда. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Том 1, Тошкент, -Ўзбекистон. 2017. –Бет498.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 3 октябрдаги қарори. 4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.10.2018 й., 07/18/3956/1994-сон; 21.03.2019 й., 07/19/4247/2801-сон; 22.07.2020 й., 06/20/6031/1088-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 12030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” <https://uza.uz/oz/documents/2030-yilgacha-b-lgan-davrda-zbekiston-respublikasining-atrof-31-10-2019>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/6479134#6482680>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2022–2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида.
8. Миддендорф А. Ф. Путешествие на Север и Восток Сибири. Ч. 2. Север и Восток Сибири в естественно-историческом отношении/ Репринтное воспроизведение изданий 1869 и 1878 годов. Отдел V. Сибирская фауна. Отдел VI. Коренные жители Сибири. –СПб.: ООО Изд-во ГеоГраф, 2006. –850 с., ил.
9. Геккель, Эрнст. Красота форм в природе. - СПб.: Издательство Вернера Регена, 2007. –С. 144. –ISBN 5-903070-08-6. Геккель, Эрнст. Мировые загадки. Общедоступные очерки монистической философии. - М.: Либроком, 2012. –С. 256. –ISBN 978-5-397-02200-2.
10. Мёбиус Карл Август // Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / под ред. А. М. Прохоров 3-е изд. - М.: Советская энциклопедия, 1969.
11. Ҳақимов Н.Ҳ. Зулфикоров Ш.Х. Қодиров Н.Н.Ўзбекистон янги тараққиёт босқичида. –Тошкент, Иқтисодиёт, 2022. –Бет. 365.
12. Ҳақимов Н.Ҳ. Инсон экологияси. –Тошкент, Иқтисодиёт, 2021. –Бет. 345.
13. Маликова А.Р. Педагогика олий ўқув юрти талабаларида экологик маданиятни шакллантириш: Пед.фан.номз ... дисс. – Т.: 2010. –8 б.
14. Мамашакиров С.Ваҳимами ёки ҳақиқат.Тошкент, –Иқтисод-молия, 2012. –Б.8.
15. Муҳиддинова Х. Ф.Экологик таълим-тарбиянинг ижтимоий зарурати // Хоразм Маъмун академияси ахборотно-маси: илмий журнал. –2023. –№6/3 (102)-сон, 254. –256 бет.
16. Муҳиддинова Ҳақима Ф, Учинчи ренессанс пойдевори шаклланишининг экологик жихатлари “Ilmiy axborotnoma” 2021-yil. –6-son. –169 бет.



MUNDARIJA

I shu'ba

IJTIMOY-IQTISODIY BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISH UCHUN "YASHIL" IQTISODIYOTGA JADAL O'TISH

Section I

ACCELERATED TRANSITION TO A GREEN ECONOMY TO ACHIEVE SOCIO-ECONOMIC SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS

I секция

УСКОРЕННЫЙ ПЕРЕХОД К "ЗЕЛеной" ЭКОНОМИКЕ ДЛЯ ДОСТИЖЕНИЯ ЦЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

The Development of Marketing Innovations in Retail Trade	4
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Направления совершенствования стратегии компании для успешной организации IPO.....	9
Шахзод Сайдуллаев	
"Yashil iqtisodiyot"ni rivojlantirishning iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish	11
Abdurahmonov Xolboy To'xtayevich	
Тўқимачилик саноати кластерлари инновацион фаолиятининг барқарор ривожланиш муаммолари ва ечимлари.....	14
Икрамов Мақсад Муратович	
O'zbekistonda chakana savdo korxonalarini rivojlanishi va innovatsion faoliyati.....	20
Karimov Baxrom Ilhomjonovich	
Unveiling the Dynamics of Agglomeration Economies in Sustainable Development.....	24
Khakimov Ziyodulla Akhmadovich	
Kimyo tolalari asosida to'qimachilik mahsulotlari bozorini diversifikatsiyalash usullari.....	28
Raximov Furqat Jalolovich	
Qashqadaryo viloyatida Safari turizmini rivojlantirish dinamikasini o'rganish.....	32
Ro'ziyev Bobir Akramovich	
Брендни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича замонавий маркетинг назариялари ва стратегиялари	34
Зияева Шахло Шоакбар қизи	
The Development of Marketing Innovations in Retail Trade	37
Shakhriyor Sadullaev, Sadullayeva Shahrizoda	
Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари	42
Каримов Бекзоджон Илхомович	
Ichki turizmni rivojlanlantirish tashkiliy mexanizmining asosiy prinsiplari.....	45
Dehqonov Burxon Rustamovich	
"Yashil" iqtisodiyotga o'tishda ko'zi ojizlar bandligining innovatsion yechimi	48
Usmonov Ziyodulla Ulmas o'g'li	
Аудиторлик текширувини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш хусусиятлари	51
Исмоилова Феруза Исроиловна	



II shu'ba

“YASHIL” IQTISODIYOTGA INNOVATSIYALARNI KENG JORIY ETISHDA
ILMIY TADQIQOT ISHLARINING LOYIHAVIY ISTIQBOLLARI

Section II

DESIGN PERSPECTIVES FOR RESEARCH WORK ON THE WIDE IMPLEMENTATION
OF INNOVATIONS IN THE GREEN ECONOMY

II секция

ПРОЕКТНЫЕ ПЕРСПЕКТИВЫ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ РАБОТ
ПО ШИРОКОМУ ВНЕДРЕНИЮ ИННОВАЦИЙ В “ЗЕЛЕНУЮ” ЭКОНОМИКУ

Ta'minot zanjirini boshqarishda transport logistikasi usullarini takomillashtirish.....	56
Zoxidova Nazokat Berdimurot qizi	
Rivojlanayotgan mamlakatlarda fond bozorining rivojlanishi tahlili.....	58
Axmedov Doniyorbek Ulugbek o'g'li	
Davlat moliyasini boshqarishda moliyaviy nazorat usullaridan samarali foydalanish yo'llari	60
Kultayev Farxod Shavkatovich	
Янги Ўзбекистонда инсон экологиясини юксалтиришнинг инновацион механизмлари.....	62
Ҳакимов Назар Ҳакимович, Раҳмонов Дўстмурод Абдиназарович	

Jurnal sayti: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>

Yashil

IQTISODIYOT va TARAQQIYOT

Ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy, ilmiy, ommabop jurnal

Ingliz tili muharriri: Feruz Hakimov

Musahhih: Xondamir Ismoilov

Sahifalovchi va dizayner: Iskandar Islomov

2024. Maxsus son

© Materiallar ko'chirib bosilganda "Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma'sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

El.Pochta: sq143235@gmail.com

Bot: [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77)

Tel.: 93 718 40 07

Jurnalga istalgan payt quyidagi rekvizitlar orqali obuna bo'lishingiz mumkin. Obuna bo'lgach, [@iqtisodiyot_77](https://t.me/@iqtisodiyot_77) telegram sahifamizga to'lov haqidagi ma'lumotni skrinshot yoki foto shaklida jo'natishingizni so'raymiz. Shu asosda har oygi jurnal yangi sonini manzilingizga jo'natamiz.

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali 03.11.2022-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan №566955 reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

Litsenziya raqami: №046523. PNFL: 30407832680027

Manzirimiz: Toshkent shahar, Mirzo Ulug'bek tumani
Kumushkon ko'chasi, 26-uy.



Jurnalning ilmiyligi:

"Yashil" iqtisodiyot va taraqqiyot" jurnali

O'zbekiston Respublikasi
Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar
vazirligi huzuridagi Oliy
attestatsiya komissiyasi
rayosatining
2023-yil 1-apreldagi 336/3-
sonli qarori bilan ro'yxatdan
o'tkazilgan.